

TOPAS халқаро лойиҳаси доирасида Польшанинг Вроцлав атроф-мухит ва хаётий фанлар университетига амалга оширилган САФАР ҲИСОБОТИ

Мен 2021 йил 21-26 июн кунлари сафаримни Вроцлав атроф-мухит ва хаётий фанлар университетида давом эттирдим. Вроцлав атроф-мухит ва ҳаёт фанлари университети 2021 йилги Перспективи университети рейтингида Польшанинг энг яхши қишлоқ хўжалиги университети деб топилган. Университетларнинг умумий таснифида . Вроцлав атроф-мухит ва ҳаёт фанлари университети Познан иқтисодиёт ва бизнес университети билан биргаликда 25-ўринни эгаллади.

Сафар давомида Польшанинг Вроцлав хаётий фанлар университетида алмашинув шартномаси доирасида магистратура босқич талабаларига 8 соатлик (а) Собиқ совет иттифоқи қишлоқ хўжалиги тарихи: Ўзбекистон мисоли; (б) Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва унинг атроф-мухитга таъсири: Орол денгизи ҳалокати; (в) Европа Иттифоқи лойиҳаларининг СамВМИнинг халқаро алоқаларини ривожланишига таъсири мавзуларида маъруза дарсларини ўтилди.

22-06-2021 да “Иқтисодиёт” кафедрасида ташкил этилган илмий семинарда иштирок этилди. Бунда кафедра докторанти Магдалена Мачеушнинг диссертация тақдимоти ва муҳокамасида иштирок эдим ва ўз илмий ишим мавзуси буйича тақдимот қилдим. Кафедра профессор ўқитувчилари ҳамда ходимларига институтнинг илмий ва таълим соҳасидаги салоҳияти, халқаро ҳамкорлик соҳасидаги имкониятлари бўйича тақдимот қилинди.

23-06-2021 куни Вроцлав хаётий фанлар университети ветеринария медицинаси факултетида Самарқанд ветеринария медицинаси институти билан фан ва таълим соҳасида ҳамкорликни амалга ошириш имкониятлари бўйича университет халқаро алоқалар булими бошлиғи Кшиштоф Кафарски, факултет декани Кшиштоф Кубиак ва факултет деканининг халқаро алоқалар ва инглиз тилидаги дастурлар бўйича муовини Катарзина Косек билан музокаралар ўтказдим ҳамда факултет моддий-техника базаси ҳамда илмий салоҳияти билан танишдим. Музокаралар натижалари бўйича 2021-2022 ўқув йилидан талабалар ва профессор ўқитувчилар алмашинуви бўйича келишувга эришилди.

Хафта давомида университет халқаро алоқалар булими ходимлари билан Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириладиган қўшма ҳамкорлик лойиҳасини ишлаб чиқиш масалалари куриб чиқилди.

Университет халқаро алоқалар булими бошлиғи Кшиштоф Кафарски билан Эразмус плюс дастури доирасида профессор ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви бўйича ТДИУ Самарқанд филиали билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Шунингдек, “Иқтисодий ривожланиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг халқаро савдоси”, “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ овқат саноати

иқтисоди, уни ташкил этиш ва бошқариш”, “Ресурс иқтисодиёти, барқарорлик ва атроф мухитни бошқариш”, “Үтиш ва интеграцион иқтисодиёт” фанлари ўқув дастурлари ва адабиётларии ўрганилди.